

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар! Қадрли опа-сингиллар! Суякли кизларимиз!

Авваломбор, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки, меҳр-шафқат, вафо ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларни кутлуг байрамнингиз - Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Баҳор элчиси бўлган ушбу гўзал айём баҳонасида бизни дунёга келтирган, бағрида ардоқлаб улғайтирган меҳри дарё оналарга, хонадонимизни мунаввар этган, фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказётган сеvimли ёрларимизга, меҳрибон сингилларимизга ўз таъзим ва ташаккуримизни ихсдор қиламиз.

Аёл деганда, бизнинг кўз олдимизда, аввало, улуг ва табарруқ она сиймоси намён бўлади. Инсон зоти борки, онанинг оқ сути ва бетақрор аллиси билан улғаяди, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сирлари ва сабоқларини она меҳри, она саховати туфайли ўрганади.

Уртимизнинг энг ширин дамлари, сўнмас ҳаётӣ таассуротларимиз ҳам болалик даври билан, она бағрида кечган беармон йилларимиз билан боғлиқ.

Шу боис ҳам ҳар қайси инсон учун она қиёфаси, она сиймоси, онанинг муборак хотираси муқаддасдир, барчамиз учун ягона Ватан, ўзимиз унибўсган мана шу қадимий замин каби юксак ва илоҳий мазмунга эгадир.

Кишилик тарихи, ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай давлатнинг маданий савияси, аввало, хотин-қизларга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиром ва аёл зотининг шу жамиятда эгаллаб турган ижтимоий ўрни билан ўлчанади.

Ҳеч шубҳасиз, шу давлат, шу жамиятда ҳукм сураётган тинчлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат каби фазилатлар ҳам биринчи навбатда аёлларнинг фаоллигига, уларнинг меҳнати ва шижоатига боғлиқ, десам, асло муболага бўлмайди.

Бугун юртимиз равнақи йўлида, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият

тармоқларида, азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган қомил инсонлар этиб вояга етказишда, оналар ва болалар йиллидаги улугвор вазибаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг ўрни ва қўшаётган улкан хиссаси бунинг яққол тасдиғидир.

Азиз опа-сингиллар! Бугун биз халқимизнинг куч-қудратига ва бунёдкорлик салоҳиятига суяниб, янги жамият, янги иқтисодиёт, янги ҳаёт курмоқдамиз.

Барча имкониятларимизни ишга солиб, аёлларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўпгина ижобий ўзгаришларга эришмоқдамиз. Энг муҳими, бу масалага жамиятимизнинг эътибори тобора ошиб бормоқда.

Бугун биз - барча эркак зоти, юрт ўғлонлари ўзимизнинг муқаддас бурчимизни сиз, азизларни фақат байрам кунларидагина эмас, балки ҳар кун, ҳар соатда асраб-авайлаш, оғирингизни енгил қилиш, мурод-мақсадларингизнинг ушалиши учун ғамхўрлик кўрсатиш, деб биламиз.

Чунки ҳар қайси инсон учун она ризоллиги, аёл эҳтиромига сазовор бўлишдан олий бахт йўқ.

Мана шу файзли дамларда қадрли опа-сингилларимизга қарата чин қалбимдан шунинг айтмоқчиманки, сизлар биз учун ҳамиша назоқат соҳибаси, чексиз меҳр эгаси, муҳаббат тимсоли бўлиб қолаверасиз.

Сизларнинг лаофатингиз ва қалб саховатингиз бизга доимо куч-ғайрат ва шижоат бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни янги аср, янги минг йилликнинг биринчи баҳорида нишонланаётган 8 март - гўзаллик ва нафосат айёми билан яна бир бор табриклайман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонингизга кут-барака тилайман.

Эл-улус бахтига, осовишта оилангиз, азиз фарзандларингиз бахтига доимо саломат ва саодатли бўлишингизни Яратганнинг ўзидан тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Бу йилги Халқаро хотин-қизлар байрами - 8 Март аjoyиб ва унутмас дамларда, янги аср, янги минг йилликнинг илк баҳорий майсалари сабза урган, муҳтарам Президентимиз томонидан 2001 йил мамлакатимизда оналар ва болалар йили деб эълон этилиб, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳаётга ички татбиқ қилинаётган шароитда кенг нишонланмоқда.

Бунинг ўзига ҳос рамзий маъноси бор, албатта. Зеро, Баҳор, Она ва Фарзанд тушунчаларини бир-биридан айрича тасаввур этиш қийин. Бу сулар замирида азал-азалдан ҳаёт абадийлигига ишонч, меҳр-муҳаббат, садоқат, гўзаллик ва поклик орзу-умидлар муҳассас. Қолаверса, хотин-қизларимизнинг юртимизда эру қатъият билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги фаолликлари ҳам таҳсинга сазовордир.

7 март куни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркисон" саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиллиқ бўлиб ўтди. Бу ерга мамлакатимизнинг фаол

хотин-қизлари, фахрий онахонлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳмонлар ташриф бурюди.

Ийгиликни Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов очди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Султонов ўқиб ашиттирди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғулмова ўз сўзида аёлларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётганини, уларнинг миллиятимиз ва жамиятимиз равнақи йўлидаги сазой-ҳаракатлари эса ҳукуматимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади, уларни байрами билан кутлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини тасдиқ этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ўтган йили илк бор аъло хулки, зуққолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳасида сезиларли ютуқларга эри-

шавтган бир гуруҳ иқтидорли кизлар ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди. Ийгиликда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган кизларимизнинг бу йилги - иккинчи гуруҳига ҳам ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 83-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Диана Мамутова, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Аlisher Навоий номидаги 102-иқтисослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шаҳноза Холмаҳамтова мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, илм олиши, айниқса талаба ва ўқувчи кизларнинг ўз иқтидорларини тула намён этиши учун барча шароит яратиб берилаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ийгиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов ҳамда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, шунингдек, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Тантана катта байрам концерти билан якунланди.

ЖИШҚИЛОҚ ЖАЁТИ Qashlob HAYOTI 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган № 28 (6,241). Сотувда эркин нархда

ЖАННАТ оналар оёғи остидадир

Янгилиниш ва яшариш фасли бўлиши баҳор ҳам юртимизга ташриф бурюди. Бу кунларни илҳақ кутган Она табиаат астарсекин жонланмоқда. Жонажон юртимизнинг бепоён далалари, кирадирлари, сўлим тоғларида турфа хил ўт-ўланлар ниш уриб, дов-драхтлар куртак ёзмоқда. Ҳадемай борлиқ яна хасос табиаат қудрати ила яратилган тақрорланмас, анвойи рангларга чулганмажа.

Ана шундай латиф бир уйғониш палласида Аёллар байрамининг нишонланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, Аёл ва Баҳор тушунчалари мантиқан ва моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Баҳор - табиаат, борлиқ ҳаётини ангиласа, Аёл - одам-зод умрининг манба ва давомчисиридир.

Яхлит қилиб айтганда Аёл - бу инсон ҳаётига гўзаллик ва нафосат ва теран мазмун бағишловчи энг улуг, энг азиз зотдир.

Бинобарин бутун дунёда, айниқса, Шарқда, хусусан ўзбек элида Аёл зотининг азал-азалдан ўз ўрни, чексиз ҳурмат-эътибори бор. Улар шаъни, қадр-қиммати ҳамма нарсасдан устун қўйлади. Таъбир жоиз бўлса, бу нараса бизнинг гўзал миллий қадриятларимиздан бирига айланаб кетгандир.

Халқимизнинг улуг шоиру мутафаккирларининг аёл, она шаънига битган ўлмас сатрлари ҳар биримизнинг қалбимизга муҳрланган. Муборак ҳадисларимизда "Жаннат оналар оёғининг остида", дейилгани ҳам бежиз эмас албатта.

Бундай ҳис-туйғулар минг йиллар давомида халқимизнинг қон-қонига сингиб, унинг руҳиятидан чўқур жой олган. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин аёлларимизга бўлган эътибор бутунлай ўзгарди. Уларнинг ризоллатидек яшашлари, ишлашлари, фарзандлар тарбияси билан шугулланишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиш асосий вазибаларимиздан бирига айланди.

Мамлакатимизда истиқлол туфайли аёл қадр-қиммати ҳар қачонгидан кўра улугланди, юксак ўринга қўйилди. Кейинги қатор йилларнинг Ишонч манфаатлари, Оила, Соғлом авлод йиллари деб эълон қилинганлиги ва бу борада мукамал дастурлар ишлаб чиқилиб, кенг қўламли тадбирлар амалга оширилгани ҳам ҳар биримизга яхши маълум. Буларнинг ҳаммаси аёлларимизнинг жамиятдаги



Зеро, дунёга Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Исмоил ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий ва Ал Фаргоний сингари улуг зотларни, беназир алломаларни берган ҳазрати Она, азиз ва муқаррам аёл зоти олдида ўзимизнинг бир умр қарадор, деб ҳисоблашга бурчлимиз. Бу бир жиҳатдан. Иккинчи жиҳатдан эса, бундай муносабатларимизнинг гўзал ва оқила, муносиб ва боқира, доно ва солиҳа аёллари томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ижтимоий фаолликни, ҳамкору хамнафас, ҳеч бўлмаганда маънавий мадад ва доғуғи бўлмақдалар. Зотан, Тумарис ва Бибишариф, Туркун хотун ва Нодирабеғим, Қурбонжон додхо ва Зебунисо сингари гўзаллик ва мардликни, донолик ва садоқатни ўзига муҳассам этган буюк сиймолар мана шу элимизда, мана шу муқад-

дас заминимизда таваллуд топиб вояга етганлар. Биз уларнинг покиза руҳларига таянамиз, куч-қудрат оламиз. Бугун Она ва бола соғлом бўлсин, дегтган ва шу йўлда бутун халқни, миллиятни жонқарликка давъат қилаётган муҳтарам Президентимиз бундай пировардида жамиятимизнинг эртакли қуни, ҳозирги ва келгуси авлодлари соғлом, баркамол бўлсин, юртимиз куч-қудратини, шон-шухратини янада оширсин, деган улуг мақсадни олдимизга қўймоқдалар. Зеро аёл бахти қулган замон, аёл соғлиги ва осовишталиги, оиласининг тинчлиги ва барқарорлиги таъминланган жамият - бу биз орзу қилган саодатли келажакнинг айни ўзгинасидир.

Байрамингиз кутлуг бўлсин, муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Бахтимизга ҳаммаша соғомон бўлинг.

Раҳмон АЛИ

АТИГИ ЮЗ САТР

Эрталабдан қўйи чарқлаб кетди. Ҳамма ёқда баҳор ҳиди уфуради. Бугун аёллар байрами. Нима соғва қилиши билмай, эркакларнинг боши қотган. Фарзандлар онажонларининг кўнглини олиш пайида. Хотин-қизлар байрами эркакларнинг зиммасига ёқимли ташвиш юклаган. Аjoyиб эътибор билан оиласини сийлаш пайида.

ОПАМСАН, СИНГЛИМСАН...

Аёлларнинг кўнгли гулдек нозик, бағри кенг. Шундай қувончли кунда ҳам дастурхон ёзиқ, меҳмон қутишдан чарчашмайди. Фақат уларни ширин сўз билан руҳлантириб турсақ, бас.

Бу баҳор ҳам опамни йўқлаб бора олмадим. Ўзи биттагина опам бор. Ҳокисор, содда, меҳнаткаш. Умрида бирон марта ҳам Тошкентга келмаган. Ҳар гал пойтахтга олиб келмоқчи бўлганимда нимадир баҳона топади. Фарзандларини ёлғиз қолдиргани келмайди. Онамиздан ёлғиз ёдгоримиз. Опамни авайлагим, унга кўмаклашгим келади. Лекин, опам мендан олдинроқ ҳаракат қилади. Уйга борганимда нимадир олиб қўйган бўлади. Ҳар гал ё янги қўйлақ, ё туфли кийдириб юборади. Ҳар гал бирон ширин сўз билан опамнинг кўнглини кўтаргим келади. Лекин, бирон жўяли сўз топа олмаيمان. Опам бутун меҳрини ҳар бир ҳаракатида, юз қарашларида жо этади.

Ривоят қилишларича, бир мўмин банд дунёдан ўтибди. Лекин, ўзи кутганидек, жаннатга эмас, дўзахга равона бўлибди. Ул оғиз банд бундай жазонинг боисини сўраганда, Жаброил алайҳиссалом:

"Сенинг биттаю битта синглинг бор эди. Умринг давомида ўз ташвишларинг билан ўралашиб қолдинг, унинг холидан хабар олмандинг. Сен умид қилган жаннатдан маҳрум бўлганиннинг боиси шу, деб жавоб берган экан.

Омонат дунёнинг абадийлиги, ҳаётнинг мазмуни инсонларнинг бир-бирларига яхшилик қилишида. Меҳру муруровати, бир-бировига берган ёрдамда. Шу муборак кунларда онажонларимизни, оиласининг тинчлиги ва барқарорлиги таъминланган жамият - бу биз орзу қилган саодатли келажакнинг айни ўзгинасидир.

Байрамингиз кутлуг бўлсин, муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Бахтимизга ҳаммаша соғомон бўлинг.

Раҳмон АЛИ

ФЕРМЕР БИЛИМДОН БЎЛИШИ КЕРАК

Фермерлик ҳаракати тобора кучоқ ёймоқда. Бунинг озода ишлашни узок вақт орзу қилган халқимиз руҳидаги ташналик ҳамда мулкка нисбатан шаклланаётган янги ҳаёт муносабатларининг инъикоси деб изоҳлаш мумкин.

Эътироз этишимиз лозимки, фермерлик ҳаракати Ўзбекистоннинг аграр кишлук ҳўжалиги ҳаётда инкилобий жараён сифатида ўзиники қилиб олаётган кучлар қаршилигига дуч келди. Бу табиий эди, албатта. Собик тузум мафқураси таъсиридаги туралар ҳамда мустақиллик шарофати билан туғилган, ҳали тажрибага эга бўлмаган янги замоннинг ёш фермерлари бақамти келдилар. Уларнинг бири яққоҳимликни синдириш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини бошлаш ниятида, иккинчиси эса бошқарув тизгинини қўлдан чиқармаслик, сон-саноксиз раҳбарлар, югурдақлар "шодаси"ни сақлаб қолиш ниятида эдилар. Ана шундай оғир шароитда юртбошимиз янги тўлқинни ўз ҳимоясига олдилар. Зотан уни табиий ҳаёт оқимида эътиборсиз қолдириб хавфли эди. Раҳнаомлик ва ғамхўрликлар натижасида қўп ўтмай янгилик тантана қила бошладилар.

Бугунги кунда қатор туманларда кишлук ҳўжалик махсулотлари етиштиришда жамоа ва ширкат ҳўжаликлари уллушига нисбатан фермерлар уллуши ортиб бормоқда. Тежамокорилик, ердан унумли фойдаланиш, энг юқори даражада ҳўсал олиш борасида ҳам янги ҳўжаликлар мамлакат имкониятлари чексизлигини исбот этмоқда. Муҳими, фермер ҳўжаликлари энди-энди ўз ҳақ-ҳўқуқларини билиб, дадил ҳаракат қила бошладилар. Бугунги кунда республика кишлук ва сув ҳўжалиги вазирилик, Республика деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюмчаси уларнинг энг яқин маслаҳатгўйига айланаб қолдилар.

(Давоми 3-бетда)

ТАДҚИКОТ

Пахтачилик соҳасида санаот талабига жавоб берадиган навлар мавжуд бўлиб, улардан сифатли уруғлар ҳам тайёрланмоқда.

Лекин гўза ўсимлигининг турли касалликларга чидамли ва серхосил нави бўлсада, улар учун етарли даражада ёруғлик, иссиқлик, сув, ҳаво, озмиқ моддалари яратилмаса, у яхши ривожланмайди ва кутилган саман-

дир зини ўзлаштириш керак. Донли ўсимликлар бир гектардан 20-25 центнер хосил бериши учун ўз вегетацияси даврида бир кунда 100 кг СО₂ ни ўзлаштиришлик зарур бўлади.

Гўза ўсимлиги эса буларга нисбатан ҳам СО₂ газини кўпроқ талаб қилади. СО₂ газини кўпайтириш учун олимларимиз зарур тавсиялар беришмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

ЕР ҲАМ "НАФАС" ОЛАДИ

Зини ўзлаштириш керак. Донли ўсимликлар бир гектардан 20-25 центнер хосил бериши учун ўз вегетацияси даврида бир кунда 100 кг СО₂ ни ўзлаштиришлик зарур бўлади. Гўза ўсимлиги эса буларга нисбатан ҳам СО₂ газини кўпроқ талаб қилади. СО₂ газини кўпайтириш учун олимларимиз зарур тавсиялар беришмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

"МУБОРАК"ДА МАРДЛАР ЯШАЙДИ

Ўшанда айни баҳор эди. Энди беш баҳор билан юз кўришган Ҳайит рўпарасидаги энг кўзичоқларни ушлаб олгани келади. Уларга яқинлашган сайин кўзичоқлар дикир-дикир ўйнақлаб, сурув томон югуради.

Ёш Ҳайитнинг бу хатти-ҳаракатидан завқланган отаси ўғлини эрқалаб, катта бўлсанг ким бўласан, деб сўради.

Ўғлининг бу жавобидан қоникмаган ота мийғида қулиб, "Сен ўқиниш керак, мен ўқимадим, сен ўқийсан..." - деди.

...Ота-ўғил ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатга эллик йилдан ошди. Шу давр ичида қанча сувар оқиб ўтди. Ҳайит улғайиб, отасининг кўнглини жойига тўширди.

Уқиди, олий маълумот олгач, ўзи туғилиб усган ҳўжаликка ишга келди. Ке- чагина кўзичоқлар изидан югуриб юрган ўғлон бугун кимсан зоотехник эди.

Ҳўжалиқнинг бағри ниҳоятда кенг. Чорва моллари боқила- диган майдонлар ярим миллион гектардан ошадилар. Бу кенглик- ларнинг ҳар бир қаричи Ҳайитга таниш эди. Қўйчиловлар ўз зоотехникларини яхши билишадилар. Учрашганларида хурмат- иззатини жойига қўйишадилар. Ҳайит ҳаётнинг бу ажиб лаҳзалари- дан беҳад мамнун эди. Энди фақат югуриб-елиб ишлаши керак. Қийналаса, отаси ва бошқалар бор. Фойдали масалаҳатларини аяшмайди.

Орадан икки йил ўтди. Ҳайит дадиллик билан иш юритди. Чорвадорларнинг турмуш тарзи билан кўпроқ қизиқди. Чўпонлар отардаги ҳар бир бош қўй-қўзи учун бор-йўғи ўттиз тийин иш ҳақи оларкан. Қўшини Туркменистонда эса бошқача манзара. Бир бош қўй учун чўпонга 1 сўм иш ҳақи тўланади.

(Давоми 3-бетда)

ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР

Чуст Наманганин энг гўзал, энг сўлим гўшаси. Ен-атрофи тоғ, кир-адирликлар, Ҳавоши соф, оромижон. Баҳор чоғлари бу томонларга йўлингиз тўса, бир қоп семирасиз. Умрингизга умр қўйиладилар.

Ахир, умргузаронлик, энг аввало, тоза сув, тоза ҳавога боғлиқ дейишадилар. Табиблар султони Ибн Сино ҳам "агар гард ва чанг бўлмаганда инсон боласи минг йил умр кўрадди" деган эканлар.

Саддинисо момо Ирисалиева олдиларига олиб бораман, - деди Нуъмонжон. Дамобод қилмоғи шундоқ тоғнинг тағида. Бир томони Қосонсойга, бир томони эса қўшни Қирғизистон республикасига туташ. Далалари, болалари қафтдагидек қўриниб туради.

Нуъмонжон момо яшайдиган ҳовли эшигини энди тақиллатмоқчи бўлиб турганди, кўча бўйлаб шу томон келётган эллик беш-олтмиш ёшлар чамасидаги онахон:

"Келинлар, меҳмонлар, онамни йўқлаб келган бўлсаларинг, йўғидилар, - деб қолди.

-Сиз кизлари-а? - сўради Нуъмонжон.

-Йўқ, неваралари бўламан. Энам кеча Оғасаройга қариндошлариникига кетган эдилар.

Воҳ ажаб! 102 ёшли онахон қариндошларидан хабар олгани кетибдилар. "Сўраб турган сўроқим..." деганлари шудир балки.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА: НАБОТОТ ОЛАМИ ТАДҚИКОТЧИЛАРИ ЖАТИНГА ЖУМБОФИ МАЪРИФАТ ЧИРОФИ

ЯХШИ ХАБАР

Мирзаобод туманидаги 21-мактаб республика миқдорида биринчилардан Мулиб ЮНЕСКОнинг Мактаблар Кенгашига аъзо бўлди ва ЮНЕСКОнинг катта грантини олди.

Мактабга 43 миң АҚШ доллари миқдорда замонавий компьютерлар, кичик босма-хона ва бошқа электрон жиҳозлар ажратилди. Шу муносабат билан мактабда "Истиқлол зинеси" деб номланган жамоат-таълим маркази ҳам ташкил этилди.

МАКТАБ - ЮНЕСКО АЪЗОСИ

Марказ ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга қишлоқ фуқаролари ўртасида маънавий, маърифий, маданий ишларни олиб боришда ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Марказнинг хизматидан мактаб жойлашган "Деҳқонобод" қишлоғига эмас, кўшни қишлоқ қолаверса, тумanning бошқа қишлоқ фуқаролари ҳам баҳраманд бўлмоқда. Қўшни мактаблар ўқувчилари эса дарсдан кейин марказга келиб, энг сўнгги техника воситалари билан тиллашиш сирларини ўрганмоқда.

Марказ, бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва хусусий корхоналар билан ҳам яқин алоқада. Улар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ марказ ходимлари бюортмачиларнинг турли мاتبва ишларини бажарадилар, ҳар хил ҳужжатларини тайёрлаб берадилар. Айниқса, бу ердан фермерларнинг оғеи ўзимлайди. Чунки, марказ ходимлари ҳамкорлигида тайёрланган бизнес-режа ва бошқа зарур ҳужжатлар пухталиги ва сифати билан алоҳида ажралиб туради.

О.СУЛТОНОВ

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Қозоқ миллий-маданий маркази ўз фаолиятини бошлаганига саккиз йил бўлди. Бу марказ қозоқ халқининг энг яхши қадриятларини сақлаш ва тарғиб қилиш, қозоқ маданияти, адабиёти, фан арбоблари номини, тарихий жойларни тиклаш сингари ишлар билан шуғулланади.

-Учқудук, Томди туманлари билан Зарафшон ва Навоий шаҳарларида миллий маданий марказлар номигагина бор деб ҳисоблайман, - дейди Навоий вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси Пулат Баимбетов. -Асосан олиб борилаётган ишлар миллатимизга мансуб, маданият ва адабиётга қизиқади-ган, миллий урф-одатларни яхши биладиган, миллий қадриятларни ҳурмат қиладиган фаоллар ёрдамида олиб бориляпти.

1999 йилнинг июнида Қонимех тумани маданият бўлими бошлиғи Кали Жалдасовнинг ташаббуси билан республика ва вилоят қозоқ маданий маркази раҳбарлигида Қонимех шаҳарчасида республика оқинлар айтишуви ўтказилди.

Айтишув қизиқарли ўтди. Томдлик Нурлибек Тасқараев голиб деб топилди ва унга бош соврин от соғва қилинди. II, III-ўрин эгалари-сўмдан пул-рилли. Бошқа мукофоти берилди. Бошқа иштирокчиларга ҳам эсдалик совгалари ажратилди.

-Авалги йилнинг сентябрида Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Марказий Осиё давлатларидан келган оқинлар айтишувига вилоятимиз маданий маркази раҳбарлигида оқинлар, созандалар иштирок этди, - дейди суҳбатдошим Баимбетов. - Бу учрашувда қонимехлик Камол Бақтабев, Багила Муродовалар ёқимли овозлари, ихрочилиқ маҳоратлари билан томошабинлар ҳурматига сазовор бўлди.

Ўтган йили Зарафшон қурилиш бошқармаси ташкил этилган-лигини 35 йиллигига бағишлаб вилоят оқинлари айтишуви бўлди. Навоий педагогика билим юрти ўқитувчиси Гўлмира Ережепова голиб чиқиб, бош соврин от билан мукофотланди. Қолган 7 оқин қимматли совгалар билан тақдирланди.

Бу тадбирни ўтказишда Аҳмед Тўйбаев оила аъзолари билан беимнат хизмат қилдилар. Бош совринга от ажратгани қувончли ҳолдир.

Қозоқ халқининг буюк чечани Айтка бобонинг бобоси Сайиткул Ҳожи мақбарасини қуриш (Нурота қабристониди) режаси бор. Шунингдек, Қонимех, Томди, Учқудук, Зарафшон худудларида халққа хизмат қилган улуғлар мазорларини тиклаш, кўчалар, мактаблар, қудуқлар, овулларни улар номи билан аташ ниятидамиз.

Шу йилнинг январидида Тошкентда республика байналминал маданий маркази уюштирган илмий семинарда мамлакатимизда-даги миллий маданий марказларнинг раислари иштирок этди. Бу хусусда Пулат Баимбетов шундай дейди:

-Миллий марказлар ишларини жонлантириш, марказларро муносабатни яхшилаш, ҳар миллатга мансуб марказлар тадбирларини биргалашиб ўтказиш, бир-бирларига моддий ҳамда маънавий ёрдам бериш, миллатларро муносабатларни янада яхшилаш борасида фойдали ва мазмунли ишлар олиб бориш, муқтазиллигининг ун йиллиги муносабати билан, ҳуррият моҳиятини чуқур тушунтириш чораларини қўриш, ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратиш каби кўплаб масалалар бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ

НАВРЎЗГА - ЯНГИ БОҒЛАР

Пойтахт вилоятининг Паркент туманида янги боғ барпо этилди. «Оналар ва болалар боғи» деб номланган янги маскан «Экзосан» халқаро соғлом авлод жамғармаси ва шу туман аҳолиси томонидан бунёд этилди.

Тадбир иштирокчилари кўчат ўтказишдан сўнг байрам концертини томоша қилишди. Уларга профессионал ва хаваскор артистлар, болалар ижодий жамоалари ўз санъатини намойиш этди.

Янги боғни яратишга доир ишлар Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ республикада Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўкчалмзорлаштириш ойлиги доирасида амалга оширилди.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ободонлаштириш тадбирларини мувофиқлаштирувчи махсус ишчи гуруҳлари тузилди. Барча жойларда боғлар, хиёбонлар худудиди зарур арготехника ишлари бажарилиб, суғориш тармоқлари тозаланди. Белгиланган режага мувофиқ янги боғлар барпо этилмоқда. Ижти-

мой объектлар -болалар боғчалари, касалхоналар, меҳрибонлик уйлари худудларини ободонлаштириш ва кўкчалмзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини бир қанча ташкилотлар етказиб бермоқда. Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш корпорацияси ва ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти шулар жумласидандир.

Турар-жой массивларининг ташқи кўриниши ҳам яхшиланмоқда. Маҳалла фаоллари аҳолини ободонлаштириш, болалар майдончалари, дам олиш жойларини тартибга солиш ишларига жалб этмоқда. Кейинги пайтда Наврўз арафасида баҳорги ҳашарлар уюштириш аянанага айланди. Унда барча ёшдаги кишилар - қариялар ва ўқувчилар, талабалар, саноат корхоналари ва деҳқон хўжаликлари ишчилари қатнашмоқда. Зеро, шаҳарлар ва қишлоқлар, маҳаллалар ва хиёбонлар, мезморий мажмуалар ва ижтимоий объектлар Наврўз айёмида байрамона тусга кириши лозим. (ЎЗА)

ЯНГИ МАВСУМГА ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН



Неъмат ДУШАЕВ қорхона фаолиятидан лавҳалар. Д. ЮСУПОВ олган суратлар.

Бекобод туманидаги "Далварзин" пахта тозалаш заводи очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоа ва фермер хўжалиқларидан қабул қилиб олган салкам 21 миң тонна пахта хомашёсининг ҳозирга қадар 18 миң тоннага ақинини сифатли қайта ишлади. Тола эса пешма-пеш мамлакатимиз тўқимачилик фабрикаларига, шунингдек, Англия, Франция, Америка давлатларига экспорт қилинмоқда.

-Бултур хомашёни қайта ишлаш ишон ойингача қўзилган эди. Натижада, ишларимиз орқага кетди, деҳқон билан ҳам ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олмадик. Бу йил бундай салбий ҳолатларга деярли барҳам бердик. Ички имкониятларни ишга солиб, қайта ишлаш суръатини икки бараварга оширишга муваффақ бўлдик. Натижалар ёмон эмас. Даромадларимиз ҳам кўпая бошлади. Хусусан, ўтган хўжалик йилини илк бор - беш миллион сўм соф фойда билан ақунладик. Хомашё ўз вақтида сифатли қайта ишланаётган-дидан хўжалиқлар ҳам, жамоазим аъзолари ҳам мамнун. Айни пайтда қолган уч ярим миң тонна хомашёни яна узоғи билан бир ой мобайнида саранжомлаб олмақчимиз, - дейди жамият бошқаруви раиси Абдураҳим Норматов.

Тўрт юз эллик киши меҳнат қилаётган қорхонада айни пайтда кунига 140-150 тонна хомашё қайта ишланиб, 40-45 тонна атрофида тола олишга эришилмоқда. Мутахассислар фикрича, тола ҳажми ва сифати нормадан анча юқори.

Қорхона янги мавсумда жамоа ва фермер хўжалиқларидан 22,8 миң тоннагача пахта қабул қилишни режалаштирган. Айни кунларда шартнома талабларига кўра, деҳқонларни аванс маблағлари билан босқинча-босқин таъминлашга киришилди. Кўкламги экин-тикин ишларини ўз вақтида ўтказиш учун зарур ҳужжатларга ажратилган маблағлар ҳозир 286 миллион сўмдан ошиб кетди. 700 тонна сифатли уруғлик экин учун тахт қилиб қўйилди.



Мукррамхон Иброҳимова кўп йиллардан буён Поп туманидаги "Машъал" ширкат хўжалигига етакчилик қилади. Тадбиркор ва иқтидорли раиснинг сазй-ҳаракатлари туфайли хўжалиқнинг ишлаб чиқариш фаолиятида муваффақиятли кўрсаткичлар кўлга киритилмоқда.

ГУМРОҒГА ҲАМРОҒ БЎЛМА

Жиззах вилоят судининг судьяси Уктам Холмуродов ўтган йили 16-30 ёшли йигитлардан 15 нафари биринчи, жиний иш қилгани учун судланганликларини айтиб қолди.

Воқеа бундай бўлган экан. Жиззах шаҳридаги "Кўк бозор" атрофида Маъруф Ҷиёнов, Аваз Қорабев, Сайфулла Саъдуллаев ва бошқалардан иборат гуруҳ кирдикорларини кузатган шаҳар ҳуқуқ-тартибот ходимлари дарров сержантланди. Улар юртимиз истиқлолига, конституцияга таъминимизга ва умуман, давлатимизга қарши ташвиқотлар юргизиб, миллатлар ўртасида кин-адovatлар чикариш мақсадида арақлар тарқатган экан.

Бу бетавфиқларнинг ноинсофликларини қарангки, ўзларининг қора ниятларини амалга ошириш учун шаҳарда тинчгина яшаётган баъзи ёшларни ҳам турли йўллар билан араб, ўз қаторига жалб этганлар. Ҳатто, ҳали воёга етмаган ўсмирларни йўлдан урганлар.

Болаларнинг энг қимматли одобларидан бири шукри, улар катталар буюрган ишни қилдилар. Дин ниқобидаги жиноятчилар ана шу одобдан фойдаланган, уларга ноҳуя ишлар қилдиришга журъат этиб, ўз имонсизликларини кўрсатдилар. Ахир, улар 16 ёшга етиб-етмаган Санжар Саъдуллаев, Анвар Абборов, Ҳаёт Саъдуллаев, Машраб Уринбоевлар сингари болалар арақа нима-ю, унинг қандай зарарли оқибатлари бўлиши мумкинлигини тушуниб етмаган эдилар. Да. Сохта диндорлар эса ўсмирларнинг юзларини ерга қаратиб, тенгқурлари орасида хиқолатга қолдирдилар.

ДАВР

Гиждувонликлар азал-азалдан кулолчилик, ҳунармандчилик, пазандачилик, қолаверса нонвойлик касби билан машҳурдилар.

"ТИЖДА", "ОБИ НОН" ЕМАБСИЗ...

Олис шаҳарлардан Гиждувонга ташриф буюрган ҳар бир кимса албатта "Гижда", "Оби нон" ва қандолатчилик маҳсулотларини олмасдан қайтмас керак.

-Жамоамизнинг етти авлоди нонвой. - деди Гиждувон шаҳридаги "Усто Ато" ишлаб чиқариш ва савдо акциядорлик жамияти раиси Бахтиёр Тошев "Туркистон-пресс" муҳбирига. Биз ана шу ақдага риюа қилиб, ўзбек миллий маҳсулотларидан "Гижда", "Оби нон", Бўлка, Патир, қандолатчилик ва макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Ўтган йилда 5 миллион 565 миң сўмлик соф фойда қўрилди. Бу кўрсаткич аввалги йилга қараганда анча юқоридир. 2001 йилнинг дастлабки 2 ойида 300 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқардик. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тонна кўндрди. Нонвойонани бир кеча кундузда 5 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Биз жорий йилда 8 миллион сўм фойда олишни кўзда тутганмиз.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Жиноятга жазо муқаррар. Айниқса, ватан ва халққа нисбатан қилинган хиёнат асло кечиларилмайди. Улар 9 йилдан 17 йилгача озодликдан маҳрум қилиниб, ёш ичра шармисор бўлдилар. Суд хайъати воёга етмаган С.Саъдуллаев, А.Абборов ва М.Уринбоевларнинг қилмишларидан пушаймонликларини инобатга олиб, нисбатан энгил жазолар билан жазоланди. Бироқ, ота-оналар, атрофдагилар, дўсту тенгдошлари, маҳалла жамоатчилиги уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлмаганларида гумроҳларга ҳамроҳ бўлмасликлари, умр китобларига беамвуд доғ туширмасликлари мумкин эди. Шундай эмасми, азиз газетхон?!

Бу гаплар ҳар бир ота-онани жиддий ўйлатиши, фарзандлари тақдирини ўзининг қорлиши лозим. Агар, исм-шарифлари юқоридида эзилган болаларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари сал ҳушёр бўлганларида фарзандларини ўз вақтида нотўғри йўлдан қайтарилар ва улар жиноятчилар тўдасига кириб қолмаган бўлар эдилар.

Жиноятга жазо муқаррар. Айниқса, ватан ва халққа нисбатан қилинган хиёнат асло кечиларилмайди. Улар 9 йилдан 17 йилгача озодликдан маҳрум қилиниб, ёш ичра шармисор бўлдилар. Суд хайъати воёга етмаган С.Саъдуллаев, А.Абборов ва М.Уринбоевларнинг қилмишларидан пушаймонликларини инобатга олиб, нисбатан энгил жазолар билан жазоланди. Бироқ, ота-оналар, атрофдагилар, дўсту тенгдошлари, маҳалла жамоатчилиги уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлмаганларида гумроҳларга ҳамроҳ бўлмасликлари, умр китобларига беамвуд доғ туширмасликлари мумкин эди. Шундай эмасми, азиз газетхон?!

Келдиёр ЖҲРАКУЛОВ

ЕР ҲАМ "НАФАС" ОЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Яъни тупроққа иложи бори-ча кўпроқ органик масса ва моддалар бериш керак бўлади. Бир гектар майдонга 30 тонна гўнг берилса, чириш пайтида ҳар кун атмосферага 100-200 кг, сидератлардан 100 кг, ўсимликларни қуруқ қолдикларидан 100-150 кг, чучук сув лойқаларидан CO₂ гази ажралиб чиқади. Шунингдек тупроқда озука моддалар (азот, фосфор, калий ва бошқа макро ҳамда микроэлементларнинг сувда эрийдиган бирикмалари), сув, ҳаво ва иссиқлик етарли миқдорда бўлиши лозим. Бу шароитлар қанча етарли бўлса, ўсимлик шунча кўп ҳосил беради. Худди шу омиллар тупроқ унумдорлигини ташкил қилади.

Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитаси тупроқшунос-лук ва агрохимик илмий-тадқиқот институти томонидан олиб боришган илмий ишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида суғориладиган майдонларда озука элементларининг миқдори (азот, фосфор, марганец, молибден ва бошқа озука элементлари) кескин камайиб кетган. Бу ерларга етарли миқдорда маъданли ўғитлар бермасдан туприб юқори ҳосил олиб бўлмайди. Тупроқнинг бир гектарининг ҳайдалма қатламида ўсимлик олиши мумкин бўлган азот ўртача 60-70 кг ва фосфор 25-30 кг қолганлиги маълум бўлди. Бундай миқдордаги азот ва фосфор ҳар гектардан 10 центнер пахта ҳосили бериши мумкин, холос. 30 центнердан пахта ҳосили олиниши учун тупроқдаги азотга қўшимча равишда (ҳар гектарга 235 кг азот

ва тупроқдаги фосфорга қўшимча равишда 220 кг фосфор, фойдаланиш коэффициентлари ҳисобига олинган) берилиши керак бўлади. 235 кг тоза азотни азотли ўғит шаклида бермоқчи бўлсак, юқоридидаги таъминотга эга бўлган суғориладиган ернинг ҳар бир гектарига 690 кгдан аммиак селитраси ёки 510 кг карбамид азотли ўғити бериш лозим бўлади. 220 кг тоза фосфорни фосфорли ўғитга айлантирсак, ҳар гектарига тахминан 440 кг аммофосга тўғри келади. Шу ҳисобланган миқдорда азотли ва фосфорли ўғитлар берилмаса юқоридида келтирилган тупроқларда 30 центнер пахта ҳосили олиб бўлмайди. Бундан ташқари айрим экин экилладиган ерларда калий бирикмалари ҳам камайиб кетган. Унинг миқдорини ҳам кўтариш керак.

Афсуски ғўза ўсимлиги учун ажратилган маъданли ўғитлар 100 фоиз пахта даласига етиб бормаиди. Бунинг турли сабаблари бор.

Бизнинг климатимиз ёзда худда иссиқ келади. Шу сабабли тупроқларимизда сув тизими асосан сувнинг пастдан юқорига кўтарилиб туриши билан ифодаланган. Тупроқ кўпинча, ўртача ва оғир механик таркибга эга бўлиб, уларда сувни пастдан юқорига доимо кўтариб турадиган капилляр найчалар мавжуддир. Олиб боришган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари шуни кўрсатадики, ҳар гектар ғўза даласидан ғўза ва тупроқдан биргаликда ёз ойларида 100 м³гача сув бўғланиб учиб кетади. Демак, тупроқларимизда пастдан юқорига кўтарилиб туриш жараёнини ениб, сувни пастга қараб (яъни ўсимлик илдизига қараб) йўналтирадиган ҳажм ва бо-

симда сув бериш лозим бўлади. Кам миқдорда сув берилганда у сув пастга қараб худда кам боради ва тезда ўсимлик илдизига бориб етар-етмас капиллярлар орқали тупроқ узюнасига қараб кўтарилади ва бўғланиб кетади.

Шу сабабли Исроилнинг томчилаб суғориш усули бизнинг шароитда яхши самара беролмаслиги мумкин. Чунки, тупроққа ҳуқуқий тупроқдан сув тупроқнинг ўртача ва оғир механик таркиби туфайли пастга қараб юришидан кўра юқорига тезроқ кўтарилиб бўғланиб кетади. Исроил тупроғи асосан қум ва қумлоқ, яъни худда энгил механик таркибга эга. Қумда ўсимлик илдизига худдам тез етиб боради. Қум ва қумлоқ тупроқларда ингичка капилляр найчалар бўлмағанилиги сабабли сув қумда ушланиб туради.

Айтилган мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкин. Агар сув мўл бўлса, уни етарли мейёрга жўялар орқали бериш керак. Агарда сувни иктисод қилиш керак бўлса, унда сувни ер остидан (трубалар ва х.к.) бериш самаралидир. Чунки бизнинг тупроқларимизда сувни пастдан юқорига кўтарилиши осонроқ боради. Шунинг учун ўсимликларга ер остидан сув бериш технологиясини ишлаб чиқиш бизнинг шароитимизга тўғри келади. Бу соҳада Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги марҳум М.Муҳаммадновнинг крот усули ёки Россия қишлоқ хўжалик академиясининг академиги М.Ҳамроев тақлиф қилган ер ости трубалари орқали суғориш ижобий самара бериши мумкин.

Ж.САТТОРОВ, академик. (ЎЗА)

ЗАМОН

Аёл барча замонларда абадий баҳор ва гўзаллик тимсоли, ҳаёт давомилигининг манбаи, илҳом бахш этувчи сиймо сифатида эъзозланиб келган. Унинг инсоният тараққиётидаги ўрни белкиёс. Учтинчи йиллик бўсағасида инсониятнинг аёлга, унинг оила, ишлаб чиқариш, жамоатчилик ва сиёсий ҳаётдаги ўрнига муносабати ўзгармоқда. Аёлларнинг ўзи ижтимоий мақоаларини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

Бизнинг мамлакатимизда ушбу жараёнларнинг бош ташаббускори давлат бўлиб, давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсат аёлларнинг аҳолини тубдан ўзгартириш, уларнинг янгиланаётган Ўзбекистондаги макеини янада оширишга қаратилган. 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили, деб эълон қилиниши рамзий маънога эга бўлиб, халқ орзу-умидларига мосдир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган қисқа даврда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини белгилаб беришчи мустақкам қонунчилик асослари яратилди.

Бунда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этди. 1998-2000 йилларда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган тадқиқотлар муҳим хулосалар чиқариш имконини беради. Республика аёллари ўртасида инсон ҳуқуқлари таъминланганининг муҳимлигини англаш даражаси тобора ошиб бормоқда. Сўров натижалари инсон ҳуқуқлари асоси тушунарлардан бироси айланётганини кўрсатади.

Аёлларга давлат уларнинг ҳуқуқларини қай даражада амалга ошираётгани ва уларни мустақамлаш ҳамда химоя қилиш учун қандай шароитлар яратётганига баҳо бериш тақлиф этилди. Сўралганларнинг 80 фоиздан ортиғи билдирган фикрга кўра, Ўзбекистонда аёлларнинг барча ҳуқуқлари давлат томонидан тўлиқ таъминланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида аёллар (85,5 фоиз) онгиди барча фуқаролар моддий аҳоли, ижтимоий мақоми, миллий мансублигидан қатъий назар қонун олдиди тенг экани тўғрисидаги фикр қарор топган. Бундан ташқари, аёлларнинг фикрича, давлат фуқаролар тинчлиги қалқони, элу юрт хавфсизлигининг мустақкам қаболатидир.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари мониторинги аёллар ўртасида ҳуқуқий саводсизлик муаммоси мавжудлигини кўрсатади. Сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас. Шунга қарамадан, бу борадаги кўрсаткичлар яхшилана-ниб бормоқда. Масалан, 1999 йилда ўз ҳуқуқларини яхши билган аёллар 18,6 фоизни, қисман билганлар 54,3 фоизни, умуман ҳеч нарса билмаганлар 26,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткичлар тегиш-ли равишда 22,5 фоиз, 58 фоиз ва 20,5 фоизни ташкил этди.

Демак, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида амалга ошириладиган ишлар ижобий натижа бермоқда.

Мамлакатимизда юзага кел-лаётган янги иқтисодий шарт-шароитлар тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий билимларни юқори даражада эгаллашни талаб этади. Бу масала ҳозирги пайтда айниқса долзарб бўлиб турибди. Чунки кейинги пайтда, айниқса кичик бизнес соҳасида тадбиркор аёллар сони анча ўзгариб кетди. Иқтисодиётимиз муваффақияти уларнинг сермахсул фаолиятига кўп даражада боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда ишбилармон аёлларни ҳуқуқий муҳофиза қилишнинг яхлит тизими яратилиши зарур. Бу тизим асос-сиз текширувларга қарши курашишга қолмасдан, бошқарув органлари ва хўжалик тузилмалари билан бўлган барча муносабатларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги, шунинг-дек ҳуқуқий маданият даража-си ўсишига хизмат қилиши лозим.

Ҳуқуқий давлат барпо этишда аёлларнинг ялпи ҳуқуқий саводхонлигига, уларнинг қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур англашига эришиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу аёллар жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларнинг манфаатдор, фаол иштирокчисига айланиши учун ҳам зарурдир.

Сиз борсизки, бу хаёт гўзал!

ЧУСТ "ЧИНОРЛАРИ"

(Боши 1-бетда)

-Афсус, учрашганимизда зур бўларди-да! - деди ҳамроҳимиз, - ўзи ҳам хотиралари бутун, тиллари ширин бу Саддиниссо момонинг. Утган Мустанкилик байрамида фарзандлари, невара, чевара, звара, дуваралари билан суратга оладиган бўлди...



уларни жамлаб суратга тушуришнинг иложи бўлмади. Сураткаш чандон уринмасин "объектив"га сиздира олмади... Хай майли, ўзлари соғ-омонилар? Биздан дуо дейсиз... Машинга ўтириб, йўлга тушамиз. -Энди, келдик-келдик, шундоқ Шўрбулоққа ўтиб Саломат момо Кобуловани зиёрат қилиб кетамиз, - деди Нўмонжон.

ворма, - деб кўрсатма бериб турган эканлар. Салом берамиз. -Байрам билан табриклар, суҳбатингизни олайлик деб келдик, - деди Нўмонжон.

-Хай болам-а, болам-а! - бош чайқайдилар момо, - биз кўрган кунларни ҳеч ким кўрмамасин. Дадамизни Холматбой дейишарди. От-хўжи бор, ўзига тўқ дехон эди. Раҳматли онамиз Бўтагул, салкам юз ёшларида омонатларини топширганлар. Ун бир бола эдик. Кўплари турмаган. Фанижон деган акам Фовада мактабдорлик қиларди. Кўп илмли, гапга чечан одам эди. Заҳарлаб ўлдирдиши. Укам Орткибой урушга олинганча, бедарак кетди... Узим бир умр далада ишлаганман. Сув қўйганман, от етаклаганман, бугдой ўриб, пахта ичида юрганман. Меҳнат кунимизга яримта нон-у бир коса ёвгон беришарди. Эрталабдан қора кечгача бурнимиз ерга тегиб ишлаб, номимиз бутун, буз қўйлагимиз янги бўлмаган, болам. Нимасини айтмай... Уйласам, кечалари уйкум қочиб кетади. Шундай кунларга етказганимга шукур қиламан...

-Кўп умр кўришинг сирини нимада, момо? -Ниятнинг яхшилигида, ҳалолликда, покликда... Аллоҳга шукур, бешов фарзандимни ҳам ҳалол меҳнат билан боқиб, вояга етказдим. Хозир улардан иккитаси пенсада. Учтаси шу "Баймоқ" ҳўжалигида ишлайди. Ҳаммаси ҳам ўзига тинч. Невара-чеварали. -Саломат бўлинг. Энди байрам совғамизни қабул қиласиз, - деди Нўмонжон. Момо дуога кўл очадилар. -Қани, омин, дунёмиз тинч бўлиб, эл юртимиздан файзу барак аримасин. Бизни шундай кутлуғ кунларда йўқлабсизлар, сизларни худо ёрласин. Олинган олдирманлар, тўлиғлар, тўқилманлар. Асло камлик кўрманлар. Тўпрок олсаларинг олтин бўлсин. Азиз бошларинг омон бўлсин! Дунёда ҳеч бир она "болам" деб йиғламасин!

Ортиқали НОМОЗОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Хабарингиз бор, яқинда юртимизнинг турли жойларида фаол ижод қилаётган қизлардан бир гуруҳи "Зулфия" мукофотининг соҳибаси бўлдилар. Тошкент шаҳридаги нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси Наргиза Тўхлиева ҳам ўзининг туркум ҳикоялари билан мазкур мукофотни олиш бахтига муяссар бўлди. Шундай экан, Наргиза Тўхлиевани барча хотин-қизлар қатори аёллар айёми - 8 март билан кутлаб, бундан кейин ҳам ижодий имкониятлар сари баланд парвоз этишини тилаб қоламиз. СУРАТДА: Наргиза Тўхлиева. Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Удуминиз шунақа... Умр йўлдошим вояга етган хонадонга тўйдан кейин биринчи борим. Тўғри, авваллари бу сирли ҳовли теварагида кўп марта "гирди-капалак" бўлардим-у ичкари киришга кимларнингдир салобати йўл бермасди. Энди бу дарғоҳдаги ҳамма эшиклар мен учун очик. Орқа томондаги боққа ўтдим. Ҳаммаёқ кўм-кўк майсага бурканган. Олма, олча шохларида сакраб юрган читтаклар шодлигиданмикин, тиним билмай сайрайди. Ҳушбўй хид таратиб, гул очётган наъматаклар орасида эса бўлбул жўшиб қуйламоқда.

Тизза баравари ўт ўсиб турган уватга кўзим тушиб, қувониб кетдим. Кўкатлар орасида кирмизи лолалар шабадада чиройли тебраниб турарди. "Зап сова бўлди-ку!" Лола узай деб энгашиб, ҳам эдимки, "Тегманг!" деди маънос билан овоз. Ажабо, ортимда Муқаддас турарди. Унинг ранги оқариб кетган, юзида қандайдир нотаниш ифода бор эди. -Намунча, биздан ҳам қадрилими? Уларига тақдим қилмоқчидай, холос! Ранжиганимни сездими шекилли, Муқаддас кўлимдан ушлади: -Утириг. жоним, ранжиганимнинг боиси бор. Лола-ларга тегиши билан бир гапни айтиб бераман. Кўнглим хижил бўлиб, юмшоқ майсага ёнбошладим. -Раҳматли дадам табииати севадиди! Урушда уч йил қатнашиб, қаттиқ жароҳатланиб қайтди. Яримжон бўлса ҳам, ерга тинмай ишлов берад, табиятга шайдолиги қолмасди. Турвасини кўтариб олиб, ҳовлининг дегизидаги лолаларнинг уруғларини далага сепгани-сепгани. Лолаларни, умуман табият гўзалликлари-ни пайхон қилганларни курс қаттиқ ранжирди.

Баҳор чарақлаган кун. Майсалар далаларни гиламдай қоплаган. Рўзгор учун зарур бўюмлар олиб, шаҳардан уйга қайтдимиз. Катта йўлдан қишлоғимиз томон бурилганимизда: -Пилёда юриш ҳам ганимат, қизим. Мана шундай баҳор кунларида яёв юришининг гапти бошқача бўлади-да! Адирдан кетсак чарчаб қолмайсанми? - деб сўраб қолди дадам.

Дала-тошни севганлигим учун, бу тақлим менга жуда маъқул тушди. Ям-яшил дала-лар оша сўқмоқ йўлдан бо-рарканмиз, атрофга қараб тўймамиз. Барқ уриб очилган лолалар кўзни қамаштиргудай товланарди. Кенг дала-ларнинг чулчураши дилларга ором бахш этиб, кўнглини яй-ратарди. Улар осмонга парвоз қилишиб, бир нуқтада анча вақт муаллақ сайраб турар, сўнг шиддат билан ерга оти-лар, бир оз ором олган, яна

баландликка кўтариларди. Оёқ остидан учиб чиққан қак-лик нарироқдаги кўп-қизил лолалар орасига шўнғиб ки-ради-да, ёқимли "қакра-ка"-сини бошлайди. Лола теришни жуда-жуда истаётган бўлсам-да, дадамдан йиманиб, тишимни-ти-шимга қўйганимча кетавер-дим. Бундан дадамнинг ран-жишини билардим-да! Мабо-до, кайфияти жойида, кўнгли чог бўлса, бирор илтимосга йўқ дея олмасди ҳам. Қандай-дир ашулани секингина хир-гойи қилиб боришига қўра, дадам бугун жуда хурсандга ўхшаб қўринди. Мен фурсат-дан фойдаланиб: -Дадажон, озгина лола те-риб олсам майлими? - сўра-дим охишта. Илтижо билан

-Лолаларинг ўсяптими, қизим? -Ҳа, дадажон! - қувониб жавоб бердим. - Иккаласиям гўнча ёзиб турибди... -Уларни авайлагин. Қани, бориб қара-чи, яна мол-ҳол кириб еб қўймасин. Мен билан хайрлашиш учун, бориб қара-чи, яна мол-ҳол кириб еб қўймасин. Мен билан хайрлашиш учун, бориб қара-чи, яна мол-ҳол кириб еб қўймасин. Мен билан хайрлашиш учун, бориб қара-чи, яна мол-ҳол кириб еб қўймасин.

ХИКОЯ

қараб турганим учунми, да-дам раҳсат берад экан, атай-лаб таққидлади: -Эҳтиёт бўлиб терасан-да, қизим... Лола теришга шунчалик берилиб кетибманки, дадам чакиргандагина хушимни йи-гимдим. Йўлда учраган бир-икки-та лолани шоша-пиша суғу-риб олдим, изимга қайтдим. Кўнчоғимдаги лолаларни кўздан кечирар экан, дадам норози оҳангда бош чайқай-ди: -Чакки қилибсан, қизим. Сенга ўхшаб, ҳар ким лола-ларни пилёзи билан қолаверса, далаларида улардан ном-ни-шон ҳам қолмайди-ку! Бағримдаги лолаларга қардим. Уч-тўртта лола бан-дининг охирида думалоқ, қиз-ғиш-қорамтир пилёзчалар осилиб турарди. Эҳтиётсиз-лик қилиб даламни ранжитган-ним учун қаттиқ хижолат торта бошладим. -Майли, хафа бўлма, уйга боргаб, лолаларнинг пилёзини экиб қўямиз, - юпатди дадам. Чиндан ҳам, уйимизга етиб келган, томоркамизнинг мана шу энг кўримили еридан жой-хозирладик-да, лола пилёзла-рини авайлаб экиб қўйдик. Келгуси йили иккала лола пи-ёздан япроқлар униб чиқди, гўнча эди. Бу орада дадам оғир бетоб бўлиб, ётиб қолдилар. Бада-нидаги жароҳатлар, осколка қолдиқлари доимо азоб бе-рарди. Бир кун дадам заиф товушда мени чақириб қолди. Енига ўтказиб бошимни сила-ди, юзимга термулиб охишта сўради:

Мендан юз ўғирма, ҳеч хуш оним йўқ, Куйдирмоқ истама, хунумоним йўқ. Ишқинг кетар бўлса абасман, абас, Жоним кетар бўлса, пушаймоним йўқ. Гўлжамол АСКАРОВА



ЭЙ УМРИ АЗИЗ...

Ипак қўйлагини нозик шартлиги, шалғоқ сочларидан мултлар буй таралиб ёлғасидан ўтиб кетган жонибали аёлга эркак киши борки, бир бора ўпирлиб қарайди. Бордию, бу эркаклардан бири ўта серхиссиёт бўлса, шу аёлни беҳитиёр ўйидаги рафиқаси билан таққослаб бошлайди. Сўнг кўнгли тўлиб, ёруғ хаёллар билан ўз уйига етиб келади ва дарёозани аста чертади. Шунда эшик очилди, остонада... эғиндаги нимдош халати кир-чир, сочлари тўзганан, пардозсиз юзидан реза-реза тер томилиб турган аёл - унинг рафиқаси пайдо бўлади. Эркакнинг боя-ғи ҳолатига бу нарса қандай таъсир этаркин? Тасаввур қилиб кўрин-а. Ахир кўпчи-лик аёллар ясан-тусан ва пар-дозни "фақат кўчадагилар учун" деб тушунади. Аслида бу ўйда ҳам эркак киши борлиги ва бу эркакнинг кўча-даги чиройли аёлларга бе-фарқ эмаслигини унуттишди. Кечанига антиқа рўздордан фойдаланиб, офатижон бўлиб юрган янги келинчақ йил ўтиб-ўтмай оддийгина

аёлга айланади. Нима учун шундай? Нега биз аёллар ўзи-миз ҳақда бир зум ўйлаб кўрмаймиз? Асосий ҳатойи-ми ҳам шунда эмасмикин?! Бир кўни қишлоғимиздаги сўт соғувчи Ханифа опа билан суҳбатлашиб қолдим. -Кайсидир йили болала-рининг отасини қолхоз то-монидан дам олишга юбо-ришганди, - дея хикоя қилади бу аёл. - Орадан маъ-лум вақт ўтди, почтани хабар олиб келди. "Фалон кўни бораёпман" дебдилар. Шу кўни кўни-кўшни чиқади деб эрталабданок ҳаммаёқни са-ранжамладим, сигир соғиб, ҳамир қордим. Катта ўғил "Отам келди!" деб чопиб кир-ганида тандирдан эғинига ном узаетувдим. Югуриб ол-диларига чикдим. Шунда аф-лик бир қарадилару, дар-ров қовоғини солдилар. "Ни-ма юриш бу, худди олабўжига ўхшаб!" - дедилар. Юрагим шув этиб кетдию бориб, нон-ни тезгина узиб, уйга кирдим. Ойнага қарасам, кийиб юрган халатим илма-тешик, юзимда қоракўра, бошимдаги рўмол-нинг ранги билинмайди. Яхши кийимларимни кийиб, ўзимни

сал эплага қелтириб, сўнг дастурхон ёздим. Шундан кейин сал чехралари ёришди. Қаранг, мен ношуд, уйни су-пуриб-сидирибману ўзимга қарамабман. Доимо эркак ки-шининг вақтида овқатини тай-ёрлаб, кир-чирини ювсам бўлди-да, деб ўйларканман... Қишлоқ аёлларининг ҳаётини яхши биланман. Эр-та

кэтаётган эркаклар, гўдақла-ри билан чирқираб қолаётган аёллар бор. Беҳитиёр ўйлаб қолсан, киши. Эркак нега кўчага кетади? Адиларимиз-дан бири ёзганида: "Эркак ишлаганини уйдан тополмас, кўчадан ахтарайди!" Балки, шундайдир. Эркак аввало ўз уйдан аёл гўзаллиги ва меҳр-муҳаббатини ахтарайди. Хўш, улар излаган нарса уларимизда ҳаммаёқ муҳайёми? Уйлаб кўрайлик. Бир пайтлар кўчадаги беш-олти ёшли болақайдан ҳам "Қиш-логимиздаги энг сулув аёл қим?" деб сўраса, у ҳеч ўйлаб ўтирмадди. "Солия хола" дерди. Озода ва кўркам бўлиб юрадиган бу аёлнинг доимо қошида ўсма, қўздан сурма, қўздан хино тушмас-ди. Кийимларининг бир-би-рига мослаб киярди. Қишлоқ-нинг тўй ёки йиғинига шу аёл билан бирга ажиб хўшбўйли-гу хушрўйлик эргашиб кирган-дек бўларди. Уни кўриб аёл-лар кишибилмас дарров дур-рларини қайтадан ўрар, эр-кақлар эса соқол босган юз-ларини хижолатомуз ушлаб қўйишарди. "Солия опа, уй ишини почкам бажариб, сиз

фақат ойна олдида ўтирсан-ки керак-да" дейишарди кел-чинчақлар ҳазил қилиб. "Поч-чангиз қўлини совуқ сувга қўчага кетади?" кўлариди Солия хола. Аслида шу аёл-нинг эри ҳам бошқа эркаклар каби узукун ишда, ўзининг эса уйда бажарилган уюмларни бошқа аёлларникидан кам эмасди. Лекин, унинг юзига қаттиқ чаплаб, уй йиғишти-рётганини, қошига ўсма тортиб ҳовли супургани, кечқурун эса оҳорли кийимини эғинга олиб ял-ял ёниб юрганини ҳар кўни кўрардик...

Қишлоқ аёли юзу кўзига зеб бермоқ учун шаҳарга кат-нашни ўзига эп кўрмайди. Қишлоқларда эса замонавий пардозхоналар йўқ... Демак, аёл ўзига қараш учун ўзи вақт ажратшини одат қилмоғи ло-зим. Хорижлик руҳшўнос олим Дейли Карнегининг ай-тишича, "ташқи гўзаллик кўзларни қувонтиради, ўз-ўзини севиб иззатлашга ўр-ғатади, ички туйғулари нозик-лаштиради..." Ҳар бир аёл аввало ўзининг аёллигини унутмаслиги, ўзи билан бирга тугилган малаҳати, маъсума-лиги ва нафосатини ҳақ қачон бой бермаслиги керак. Гўлчехра ЖАМИЛОВА

ҚИШЛОҚ АЁЛИ

Кўнглига сайр БИЗАМ ГЎЛЗОДАМИЗ, ГЎЛЛАР ИЧИНДА

ИНТИЗОР
Йўл олис етолман, сенга онажон, Сезяпман бугун қадрингни. Она, нечун пайкаганим йўқ, Кўзим кўриб турган дардингни. Бир чақирим, қолди онажон, Йиллаб кутган орзуларимга. Она сенга қолдириб кетдим Қараб тургин кўзгуларимга. Қанча оғир, иложим ҳам йўқ, Олисдаги ойга ўхшайман. Қишлоғимга қайтганим кўни, Бор меҳрини сизга тўшайман. Нигора УРОЛОВА

Учиб кетмас, учиб кетолмас, Олдимдан бир ўтиб, ўтолмас. Сезяпман, тўлиб бораёпман, Бунчалик кўп энди қутолмас. Ёқалари вайрон шамолнинг Измидаги хазон мисоли Кун кўради кўзи кўр дунё Кўш билан сўзон висоли. Чумолининг кўзида ҳайрат Мен ёғилиб-ёғилмаган дард. Хоншида қотган тош қоя Мен оғриниб тугилмаган дард. Кўзлари кўк ошён яшайди Минг йил бўлди, ҳамон яшайди Сезяпман, тўлиб бораёпман, Юрагимда осмон яшайди. Шаҳрибону НОЗИЛОВА

Тириклик сувлари, гуллар ифори, Тоғлар буюклиги, боғлар нафаси. Тугилди боқира борлиқ изхори - Шеърим, болам каби қалбим эркаси! Тарих - унутилмас, айланади Бизники - кеча ва бугун садоси. Мутлоқдир, абаддир - Ҳақ ва Ҳақиқат, Шеърим, онам каби халқим сиймоси! Кўзларимда - дунё, осмон ва тупроқ, Эътиқод ва кураш - умрим баҳоси. Юрагим, энг ёруғ юлдуз бўлиб бок, Шеърим - Ватан! Ватан - шеърлар дояси! Ойгул СУЮНДИКОВА

БАЁТ
Қўхна баётларим уйғонди маним, Дилим кўрасинда ўт ёнди маним, Кўнглим ёмғирларда тўлғонди маним, Бизим кўнгишларда кўшкимиз бордир. Қишнинг қатронидан ўтганлар Вақт, Турналар васлига етганлар билар, Қизгалдоқлар билан кетганлар билар, Турналар охида ишқимиз бордир. Сув бўлиб сойландик гуллар ичинда, Қайтадан кўкардик куллар ичинда, Бизам гулзодамиз, гуллар ичинда, Ифоримиз бордир, мушкимиз бордир.

Баҳор, сенга етдик кўнгли доғисиз, Тунлар ёришгайму, куйган моҳисиз, Ошиқлар айтадур: "Сиз ишқ боғисиз, Бизим бу боғларга тушгимиз бордир". Дўстлар, дилга қайтинг, насимлар каби, Дийдора ошиқмиш дарёлар лаби, Асли гулламоқ-ку умр матлаби, Эй, ишқдан бўлак не мулкимиз бордир... Турналар охида ишқимиз бордир...



Газетанинг навбатдаги сони 13 март, сешанба кўни чиқади. БОШ МУҲАРРИР УТКИР РАҲМАТ ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Исқандар ҚАЛАНДАРОВ, Эрқул ЗИКРИЕВ, Икромжон НАҲМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахру ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНОБОВ. МУАССИСЛАР: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздон-максуд" корпорацияси, "Ўзбекистон-агро-экономик-холдинг" компанияси, "Ўзбекистон-агро-экономик" ширкати, "Ўзбек нағли", Деҳон ва фермер хўжалиқлари уюшмалари, Аграрият мажлиси хўжалиқлари қасби уюшмаси Марказий Кўнгли-таси. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўрин-босарлари - 133-16-27, 133-44-43, котибият - 133-56-26. Ижодий гуруҳлар: 133-56-21, 133-56-25, 133-54-42, реклама ва эълонлар - 133-56-30 (факс). ВИЛЁТ МУҲБИРЛАРИ: Қоракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58, Анджиқон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-58; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сир-дарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қаш-қадарё - 8-375-22-517-65. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТВУОТЧИЛАР КҶЧАСИ, 32. Газета сешанба, җума кунлари чиқади. «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмаохонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин. Навбатчи: У.ЖУМАЕВ.